O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 26-noyabr • Shanba • 144 (27.479) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори*

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда, педагогларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамиша давлатнинг диққат марказида туради. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Ўқитувчиларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юкламалари мақбуллаштирилгани халқ таълими соҳасига ёш мутахассислар келиб қўшилишига имконият яратди.

Шу билан бирга, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг амалдаги тизими мактаб таълимининг заиф бўғини бўлиб қолмоқдаки, бунда педагогларнинг истеъдоди, касб маҳорати ҳамон улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг муҳим белгиловчи кўрсаткичи бўлиб қолгани йўқ. Амалдаги тариф ставкалари даражаси пастлиги, устама ҳақларни белгилашнинг аниқ ва ошкора механизми йўқлиги ўқитувчиларнинг шахсий ҳиссаси намоён бўлмаслигига ва мактабларнинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келмоқда.

Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, истеъдодли, ўз касбига содиқ умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмини жорий этиш, ўсиб келаётган авлодни уйғун камол топтириш жараёнида уларнинг масъулиятини кучайтириш ва шахсий ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш такомиллаштирилган тизимининг бош вазифалари этиб белгилансин:

ўз касбига садоқат ва ташаббускорлик, юксак касб маҳоратини намоён этаётган, таълим-тарбия жараёнига катта шахсий ҳисса қўшаётган талантли педагоглар рағбатлантирилишини назарда тутувчи халқ таълими ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш;

амалдаги иш ҳақи даражасини сақлаб қолишгагина эмас, балки энг муҳими — унинг ўсишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг холис ва ошкора механизмини жорий этиш, амалдаги устамалар ва қўшимча ҳақни унификациялаш;

умумтаълим муассасалари педагог ходимларининг касб фаолиятига талаб ошганлигидан келиб чиқиб, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни табақалаштириш;

мактабларнинг мустақиллигини янада ошириш ҳамда директорлар ва ўқитувчилар жамоасининг ўқитувчилар меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ишларда қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

2006 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими муассасалари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилаган ҳолда халқ таълими муассасалари педагоглари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

ўқитувчиларга тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижалар ва таълим сифати учун базавий ставкаларга устама ҳақ, шунингдек ушбу муассасаларнинг ходимларига бир марта бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган устамаларни, шунингдек мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун умумтаълим муассасаларидан ташқари Мактабгача, мактабдан ташқари ва халқ таълими бошқа муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг умумтаълим муассасалари ходимларининг меҳнат ҳақини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан уларнинг иш ҳақи келгуси йилда барча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобига (ҳар йилги индексациялар бу ҳисобга кирмайди) ўртача ҳисобда 1,3 баравар оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағларини тасарруф этиш ҳар бир умумтаълим муассасаси — мактабда, тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

4. 2006 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари директорлари ҳамда директорларнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг иш ҳақи миқдори ўртача 1,4 баравар кўпайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йилги Давлат бюджети доирасида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда умумтаълим муассасалари директорлари ва директор ўринбосарларининг иш ҳақини кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда:

ўз мажлисида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини, Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги Низомларни тасдиқласин;

халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда ўз мажлисларида муҳокама қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 25 ноябрь

## ЎзХДП — ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

**Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш сектори томонидан «ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Ушбу давра суҳбати хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли аёлларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди. Уни партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова олиб борди.**




Айтиш жоизки, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ифода этиш Ўзбекистон ХДПнинг асосий дастурий ғояларидан. Бу ҳақда партиянинг қабул қилинган янги Дастурида ҳам аниқ ғоялар илгари сурилган. Ушбу мақсадларни амалга ошириш, таъбир жоиз бўлса, партияни хотин-қизларнинг таянчига айлантириш мақсадида яқинда ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳузурида «Фаол аёллар» гуруҳи тузилганди. Ушбу гуруҳга эса эл эъзозидаги фахрий аёллар, партиямиз аъзолари, тадбиркор ҳамда ишбилармон хотин-қизлар жалб қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари ЎзХДП Дастурида белгиланган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги мавжуд муаммолар ечими, хотин-қизларнинг манфаатларини амалга ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бориш хусусида фикрлашдилар. Шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгашининг хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш ва ёшлар масалалари бўйича секторининг режалари, жойлардаги фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**Дилбар ЙЎЛДОШЕВА, Тошкент вилоят, Қибрай туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи етакчи мутахассиси:**

— Қишлоқларда яшаётган аёлларга тегишли муаммолар ҳақида кўп бор айтилади, уларнинг ечими ахтарилади. Бугунги давра суҳбатимиз эса бизга бу каби муаммоларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига етказиш имкониятини бериши билан айниқса аҳамиятли бўлди. Ўйлайманки, келгусида уларни бартараф этиш йўллари қабул қилинаётган янги қонун лойиҳаларида ўз аксини топади.

**Элмира БОСИТХОНОВА, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам касалхонаси бош шифокори:**

— Менинг фикримча, келгуси сайловда ҳокимият партиясига айланишимиз учун биз аёллар қуйидаги ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, ЎзХДПнинг фаол хотин-қизлари нафақат ўзлари меҳнат қилаётган ташкилот ёки муассасада, балки бошқа ҳудудларда ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириши керак. Биз ўқитувчи аёллар, тиббиёт ходималари ва ёшларнинг муаммолари ҳал этилишида амалий ёрдам кўрсатишимиз даркор. Бунинг натижасида партиямиз тарафдорларининг сони ҳам ортади.

Бундан ташқари, фаол ЎзХДП аъзоларини депутатликка тайёрласак, кейинги сайловларда парламентда ва маҳаллий Кенгашларда кўпчиликка эга бўламиз.

Қизғин мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида барча иштирокчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар, шу асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундай суҳбатларни ҳар ойда мунтазам ўтказилишига келишиб олинди.

Мазкур тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

***Суратда:*** *давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи.*

**Шавкат АКРАМОВ**
**олган сурат**

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

## ЕЛКАДОШ БЎЛСАК АГАР...

Бундан буён Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар иттифоқчилик муносабатлари асосида ривожланади. «Иттифоқчилик» оддий тилда «елкадошлик» деган маънони англатади. Демак, энди биз елкадошлик масъулияти билан боғланган эканмиз, аввало, юкимиз ерда қолмайди, энг муҳими, хавф-хатардан ҳимояланамиз, пировард-натижада, зўравонлик, тазйиқ ва яккалаш сиёсатининг қурбони бўлмаймиз. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг мантиқ-моҳиятини ана шу имкониятлардан келиб чиқиб тушуниш зарур.

Албатта, шартнома юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришдан олдин уни ўқиб чиқиш керак. Аввало, шуни айтиш керакки, бу тарихий ҳужжат БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгашида ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотида амал қилаётган қоидалар талабларига тўлиқ жавоб беради. Биз, аввало, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, турли низоларни бартараф этиш ва минтақавий муаммоларни ҳал қилиш, ер юзида тинчлик ўрнатишни мустаҳкамлаш билан боғлиқ халқаро қоидаларни назарда тутяпмиз.

Шартномада томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг қамрови кенг. Биргина 14-моддадан ташқари барча моддаларда томонлар бир хил мажбуриятлар олганлар. Ўн тўртинчи моддада ушбу шартнома Россия Федерациясининг Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти доирасида олган мажбуриятларига зид эмаслиги қайд қилинган. Бошқа моддаларда хавфсизлик, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, терроризм ва экстремизмга қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш, нолегал миграция, инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг манфаатлари, савдо-иқтисодий, миллий ва халқаро транспорт инфратузилмаларидан фойдаланиш, илмий-техника, ахборот технологияси, халқаро мажбуриятлар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан бирдай мажбуриятлар олинган. Шунингдек, солиқ, пул-кредит, валюта-молия, савдо ва божхона соҳаларида келишилган сиёсат юритиш, капитал ва ишчи кучи, хизматлар ва маҳсулотлар бозорини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Энергетика, молия, инвестиция, банк, авиа-қурилиш, коммуникация соҳаларида эса тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлга қўйилади. Икки томонлама маслаҳатлашувлар турли даражада, жумладан, давлат бошлиқлари, парламентлар, ҳукуматлар, хавфсизлик кенгашлари, ташқи ишлар, мудофаа, ички ишлар ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар даражасида олиб борилади.

Имзоланган шартноманинг мазмун-моҳиятидан шуни англаш мумкинки, зиммага олинган мажбуриятларни бажариш йўлида муроса ва келишув энди елкадошларга доимий ҳамроҳ бўлади. Ҳужжат имзолanганидан кейин Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг Марказий Осиёдаги энг жиддий иқтисодий шерикларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди ва шартнома давлатлараро муносабатларда аҳамияти жиҳатидан ғоятда тенгсиз эканлигига урғу берди.

3-бет

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир



## ОРЗУ-ҲАВАСЛИ ТОНГЛАР

### ЁКИ ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ТУМАНИДА МАКТАБЛАР БАРПО ЭТИШ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР ХУСУСИДА

Тумандаги Абдужаббор Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги бугун катта қурилишлар майдонига айланган. Қорасарой ва Қирариқ қишлоқларидаги ёшлар узоқ йиллардан буён замонавий мактабда ўқишни орзу қилиб келишарди. Улар таҳсил олаётган Муқимий номли 10-мактаб биноси анча йиллар илгари қурилган бўлиб, унда 340 ўринга 1000 нафардан зиёд ўқувчи уч сменада ўқирди. Устига-устак, мактаб биноси таъмирталаб бўлиб қолганлигидан ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам азият чекиб келишарди.

Яқиндагина хўжалик ҳудудида 720 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

— Мазкур қурилишга 436 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди **ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураҳим Абдураҳмонов.** — Ушбу маблағнинг 154 миллион сўми марказлашган манбалар улушига, қолган қисми хўжалик ҳиссасига тўғри келди.



Муҳташам мактаб биносига кириб борар экансиз, юртбошимизнинг **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт...»** деган сўзлари битилган ёзувларга кўзингиз тушади. Синф хоналарига дид билан осилган кўргазмали қуроллар, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини ўзида акс эттирувчи плакат ва суратларни кўриб, баҳри-дилингиз очилади. Барча фанларга мўлжалланган синф хоналари, лабораториялар ўқувчиларнинг илм-фан чўққиларини мукаммал эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратган.

— Мактабимизда барча шарт-шароитлар муҳайё, — дейди **ўқитувчи Матлуба Холиқова.** — Бундай қулайликлар бор экан, ёш авлод тарбияси учун янаям жон куйдиришимиз ва ёниб ишлашимиз керак...

Ҳа айтганча, болажонлар учун янги мактаб биноси билан ёнма-ён туманда ягона ҳисобланган спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳам уч ой муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уни барпо этишга 170 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда спортнинг теннис, мини футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика турлари билан мунтазам шуғулланиш имконияти бор. Шунингдек, тумандаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли, Турғун Мирзаев номли, «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари ҳудудларида ҳам ана шундай янги мактаблар қад ростлади. Ҳудуд қишлоқларида янги мактаблар барпо этиш, уларни малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш-нинг самарали тизимини яратиш борасида бой тажрибалар тўпланмоқда.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

***Суратларда:*** *10-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси М.Хусанбоева дарс жараёнида; янги мактабнинг умумий кўриниши.*

**Шавкат АКРАМОВ**
**олган суратлар**

Парламент фаолияти

## НАЗОРАТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган «Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Юртбошимизнинг жорий йилнинг 10 мартидаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш» концепциясига мувофиқ ўтказилди.

Семинарда инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини қабул қилиш ва амалда қўллаш механизмини такомиллаштиришда парламент назоратининг ролини ошириш муаммолари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда парламент назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгиланди. Бироқ, парламент назорати масалаларини тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда парламент назорати бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий Хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа бир қатор вазирлик ва идоралар ходимлари, республикамиз олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари вакиллари иштирок этдилар.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Мафкура асоси**

# МИЛЛИЙ МЕРОС ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

**Маълумки, ҳар бир фикр, ғоя ва мафкуранинг мезонлари халқ орасида юзага келади ҳамда шаклланади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ҳаёт бор экан, инсон бор экан ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, у ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади».**

**Халқнинг шундай манфаатларини ифодаловчи ва амалга оширувчи куч бу сиёсий партиялардир. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия халқнинг турли қатламлари манфаатлари ва ғояларини ифода қилувчи партиялардир. Улар ўзларининг ғояси, мақсад-вазифалари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошқа барча партиялардан фарқли равишда ўзини мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи партия сифатида майдонга чиқди.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янгиланган мафкураси — сўл қарашли сиёсий партиянинг мафкурасидир. Бу мафкура миллий тарихимиз, аждодларимиз мероси, халқимизнинг ижтимоий адолат тўғрисидаги асрий орзу-умидлари, ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этишга интилишлари, ижтимоий бирдамлик, инсониятнинг илғор ижтимоий-назарий фикрларини ўзида ифодалайди, умумбашарий ва миллий қадриятлар, халқимизнинг маданий-тарихий анъаналари ҳамда жамиятимизни бирлаштирувчи миллий истиқлол ғоясига таянади.

Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, юртимизда тинчлик барқарор бўлиши, халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муносиб ҳаёт тарзини барпо қилиш, аёлларимизни улуғлаш ва ёшларимизни қўллаб-қувватлашга замин яратувчи тенглик, озодлик, адолат, бирдамликка асосланган демократик тамойилларга таянади.

Булар фаолиятига 14 йил тўлган ЎзХДПнинг устувор ғояси — ижтимоий йўналтирилган демократияга асос бўла олишини англатади. Айнан ижтимоий йўналтирилган демократик давлатда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчлари тўла-тўкис таъминланишига замин яратилади, аҳолининг табақаланишига йўл қўйилмайди, улар ўртасида ижтимоий бирдамлик ва адолат, тенглик ҳукм суради. Албатта, бундай давлатни барпо қилиш биздан бозор муносабатларига ўтиш жараёнларини янада чуқурлаштириб, уни изчил давом эттиришни талаб қилади. Чунки айнан бозор муносабатларини тезроқ жорий қилиш, уларни фаоллаштириш биз шакллантирмоқчи бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва унда яшаш учун иқтисодий замин ва шарт-шароитлар яратади.

Миллий мафкура ғоялари мақсадларимизга эришишда биз учун кучли асос бўлиб хизмат қилади. Зотан, мафкураси кучли халқларда ҳар бир шахс мен учун яхши ва қулай ҳолат, халқим, мамлакатим учун ҳам қулай ва фойдалими, деган саволни ўзига бериши, яъни алоҳида олинган шахс ва жамиятнинг орзу-истаги, мақсади уйғунлашиб кетмоғини тақозо этади. Янги демократик жамиятни инсонлар барпо этадилар ва бу жамият инсон учун бунёд этилиши, унинг ҳуқуқи, озодлиги, фаровонлиги ва бахтини таъминлаш учун қурилмоғи лозим.

Миллийлик руҳи билан суғорилган ва ижтимоий иқтисодий тараққиётга интилувчи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ватан — бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги эканлигини, уни камолотга етакловчи, ҳаётига маъно-мазмун бахш этувчи табаррук маскан, авлодларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос деб билади ва уни гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантиришни, унда ҳар бир кишининг етарли билим олиши, ўз касби бўйича тўлақонли ишлаши учун барча шароитлар яратилиши, ҳар бир оиланинг даромади тараққий этган давлатлардаги даромад даражасига тенг бўлиши, шунингдек, ишга лаёқатли аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш учун курашади.

ЎзХДП бошқа сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ, аҳолининг фақат илғор, ишбилармон қатламларини эмас, балки бозор муносабатларига ўтиш жараёнларига мослаша олмаган, кам таъминланган қатламларини, пенсионерлар, кўп болали оилалар, аёллар, ёшлар, ногиронлар, ишсиз аҳоли қатламларининг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилувчи партия сифатида бугунги кунда кенг қамровли фаолият олиб бормоқда.

Ўзининг 14 йиллик фаолияти давомида ХДП одамларнинг қандай яшаётганлиги, уларнинг турмуш даражасида бўлган ўзгаришлар, ўтиш даврида кам таъминланган, паст даромад олувчи аҳолининг аҳволини, ечилиши зарур бўлган муаммоларини бошқа партияларга нисбатан яхши билади. Бугунги кунда ишлаш қобилиятига эга бўлган, лекин маълум сабабларга кўра ишсиз қолганларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида партия астойдил фаолият олиб бормоқда.

Партиянинг дастурий йўналишларидан бири аёллар ва ёшлар масалалари бўлиб, хотин-қизларимизнинг оилада, жамиятда, давлат қарорларини қабул қилишда фаол иштирокини таъминлаш, ёшларимизнинг яшаши, ўқиши, ишлаши учун барча шароитларни яратиш, айниқса қишлоқ аёллари ва ёшлари, кўп болали оилалар оғирини енгил қилиш, улар учун муносиб турмуш тарзини таъминлаш ЎзХДПнинг устувор мақсадидир.

Партиямизнинг 2005-2009 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурида жойларда аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг яшаши, ўқиши, ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласи устувор йўналишлардан бири қилиб белгилаб олинганлиги боис партия ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўз фаолиятида бандлик, аҳоли миграцияси, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига катта эътибор бермоқда.

ЎзХДПнинг ғояси бўйича аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳар бир туман ва вилоят ҳокимининг кун тартибидаги биринчи масала бўлмоғи лозим. Ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлай олмаган, улар учун янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилмаётган ёки яратмаётган ҳокимлар фаолиятига ЎзХДП танқидий қарайди. Алоҳида олинган оилада кам-кўстнинг бўлишини биз оила бошлиғининг оилани қандай бошқараётганлиги билан баҳолаймиз. Туман ёки вилоят ҳокими биз ўйлаймизки, шу ҳудуднинг, шу катта оиланинг бошлиғи. Шундай экан, биз микродаражада оилаларни соғломлаштирсак, жойларда аҳолини иш, маош билан таъминласак, макродаражада барқарорликка эришишимиз мумкин. Туман ёки вилоят раҳбарияти бозор муносабатларининг турли янги усулларини қўллаб, керак бўлса мамлакат ичидан ёки хориждан инвесторлар топиб, ўз ҳудудларида иш ўринлари очиши, аҳолини иш ва даромад билан таъминлаш бўйича дастурга эга бўлишлари лозим. Биз яқин-яқингача мавжуд бўлган «давлат боқади» деган эскича қарашдан кўра, бу менинг ватаним, мен бой бўлсам мамлакат бой бўлади деган бузилмас, букилмас ғояга эга бўлишимиз зарур.

Биз умуминсоний қадриятларимиз даражасига кўтарилган манфаатларимиз атрофида онгли равишда, ақл-идрок билан бирлашишимиз лозим. Биз қаерда ва ким бўлишимиздан қатъи назар, шу юртнинг фарзанди эканлигимизни ва юртимиз тақдири бизнинг ҳам тақдиримиз эканлигини нафақат ўзимиз англашимиз, балки авлодларимизнинг ҳам онгига сингдиришимиз, фарзандларимиз юрагида Ватанга, ота-боболаримизнинг муқаддас хотирасига, қадриятларига соғлом муносабатни шакллантириш, яъни уларда миллий, мафкуравий иммунитет ҳосил қилишимиз лозим.

Аср вабоси бўлган халқаро терроризм, ақидапарастлик, диний экстремизм ва фундаментализм, гиёҳвандлик каби халқимизга ёт бўлган иллатлар дунё миқёсида тобора авж олаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Баъзи бир юртдошларимиз, узоқ қишлоқ ёки туманда яшовчи оддий фуқаро бундай зарарли оқимлар қанчалик хавфли эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлиши мумкин. Лекин охирги йилларда ушбу кучларнинг қанчалик хавфли эканлигини, бундай зарарли оқимлар мамлакатимизда нобарқарор муҳит юзага келишдан манфаатдор эканлигини бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Ҳозирги замонда энг катта хавф — инсоннинг қалбини ва онгини эгаллаш учун давом қилаётган мафкуравий курашдир».** Турли салбий кучлар томонидан бозор муносабатларига ўтиш шароитида мослаша олмаган, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида инсонлар онги ва ҳиссиётларидан, уларда мавжуд мафкуравий бўшлиқдан ўз манфаатларида фойдаланиб, уларнинг онги ва қалбини эгаллашга интилаётган кучлар кам эмас.

Айнан шундай иллатларни бартараф қилиб, мамлакатимиз мустақиллигини асрабавайлаш, тинчлигини сақлаш, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлаш борасида Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Шу билан биргаликда Ватанимиз равнақи, фарзандларимиз камоли, буюк аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга етказиш, миллий ғуруримизни такомиллаштириш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашни ўзимизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз деб билмоғимиз лозим.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**ЎзХДП ҳаёти**

# САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИГА ҚАРАТИЛСИН

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари ва раислари ҳамда маҳаллий партия кенгашлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган семинарда «Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсад ва устуворликларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари орқали амалга оширишнинг асосий йўналиш, шакл ва услублари» мавзуида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов маъруза қилди.

— Рўй-рост айтишимиз керак, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари фаолияти бизни қониқтирмайди, — деди у. — Хусусан, маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритилаётган ҳужжатлар бўйича аниқ муносабатлар, қатъий фикрлар, таклифлар билдириш, жойлардаги мавжуд муаммолар, уларнинг мақбул ечимлари масалаларини тегишли тартибда ҳокимликлар олдига қўйишнинг уддасидан чиқолмаяпмиз. Ўзингиз айтингиз, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзига дахлдор муаммолар йўқми? Туман марказлари, қишлоқларимиздаги йўллар талабга жавоб берадими? Маиший хизмат шахобчалари, ҳаммом, кутубхоналар ишидан одамлар қониқиш ҳосил қилишаяптими? Аҳолининг ижтимоий ҳимояси, қишлоқларнинг инфратузилмасига тааллуқли камчиликларимизни қачон бартараф этамиз? 2006 йилнинг маҳаллий бюджети параметрлари тасдиқланиши кутилаётган сессияларда худди шу йўналишларга ҳам тегишли тартибда маблағ ажратиш заруратини биз — депутатлар айтмасак, ким айтади?

«Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ваколатига кирувчи масалалар, уларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқиш учун киритиш тартиби» тўғрисида сўзга чиққан вилоят ҳокимлиги масъул ходими Абдушукур Абдураҳмоновнинг билдиришича, ҳокимликлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари юзасидан депутатларнинг, партиялар депутатлик гуруҳларининг таклифларига, тавсияларига муҳтож. Афсуски, ҳозирча бундай таклифларни кўрмаяпмиз ёки жуда кам эшитаяпмиз. Шу ўринда вилоят Кенгашига сайланган 50 нафар депутатнинг ярми, туман, шаҳар Кенгашлари депутатларининг кўпчилиги ХДПдан кўрсатилган номзодлар эканлигини, аммо негадир уларда ҳам фаоллик ҳозиргача сезилмаётганини айтмоқчиман.

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдуманноп Раҳимовнинг «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида ислоҳотлар сиёсатининг ижтимоий жиҳатлари» ҳақидаги, вилоят Адлия бошқармаси масъул ходими Наил Ҳакимовнинг «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия вакиллари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, партия депутатлик гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби, ҳуқуқ ҳамда ваколатлари» хусусидаги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиалининг раҳбари Солижон Қудратовнинг «Ҳозирги босқичда диний экстремизмнинг ривожланиш тенденциялари ва таҳдидлари тўғрисида»ги чиқишлари ва кун тартибидаги бошқа маърузалар ҳам қизиқарли ҳамда фойдали бўлди.

Музокаралар чоғида сўзга чиққан вилоят кенгаши депутати, Гулистон давлат университети ўқитувчиси Вадим Дубков, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Хайриниссо Назарова, ХДП Гулистон шаҳар кенгаши раиси Алишер Тошматов, ХДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси Саидмурод Каримов, тадбиркор Рустамжон Қодиров, Сардоба сайлов округидан депутат Норжигит Ғозибеков, Мирзаобод туманидаги қишлоқ врачлик пункти шифокори Гулсара Одиловалар депутатнинг сайловчилар олдидаги масъулияти, жойлардаги бандлик муаммолари, коммунал хизматлар билан боғлиқ айрим нохуш ҳолатлар, аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, маҳаллий ҳокимликларда бевосита депутатлар билан ишлашни йўлга қўйиш билан боғлиқ айрим ташкилий жиҳатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини айтдилар. Хусусан, «туман, шаҳар ҳокимликларида депутатлар билан ишлайдиган гуруҳ деймизми ёки жилла қурса ташкилий ва кадрлар билан ишлаш гуруҳида алоҳида мутахассис ажратилса, ҳокимликлар учун ҳам, депутатлар учун ҳам фойдали бўлармиди», «маҳаллий Кенгашлар сессиялари, фаоллар йиғилишларига айрим депутатларни чақириш, таклиф қилишни негадир ҳокимликлар унутиб қўйишаяпти, бундай ҳолатда асосан биз — депутатлардан кўпроқ ташаббус чиқиши зарурга ўхшайди. Жойлардаги муаммоларни атрофлича, чуқур ўрганиб, уларнинг ечимлари тўғрисида ҳокимликларга тез-тез таклифлар билан чиқиб турсак, улар билан ҳамкорликда фаолият юритсак, ўйлаймизки, вазият фақат яхши томонга ўзгаради» деган таклиф ва истаклар билдирилди.

Семинар иштирокчилари икки кунлик баҳс-мунозаралар, қизғин тортишувлардан сўнг пировардида «айни пайтда партиямиз олган сиёсий мақом биздан барча масалаларда кўпроқ ташаббускор бўлишни талаб этаяпти, агар биз жойлардаги ўз электоратимиз ҳаётий манфаатларининг амалга ошмаётганига нисбатан бефарқ муносабатда бўлсак, бундай манфаатларга жавоб берадиган қарорлар қабул қилишни маҳаллий ҳокимият органларидан талаб этмасак, шунга эришмасак, бизнинг «сўл», «мухолифат» партия эканлигимизга қизиқиш сўнади. Демак, маҳаллий ҳокимиятлардаги қонунларни ёмон бажараётган, ижтимоий масалаларни вақтида ҳал этмаётган амалдорларга нисбатан танқид қилишимиз зарур. Ва, энг муҳими, бу ўринда фақат танқиднинг ўзи камлик қилади, балки мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб, топиб беришимиз мақсадга мувофиқ бўларди» деган хулосага келишди. Бу эса оддийгина, жўнгина иш эмас. Бу иш партия барча сайланма органлари, депутатлик тузилмалари, бошланғич ташкилотлардан фаол бўлишни, аниқ ишларни талаб этади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



*Суратларда: ишчи Каримбой Давлатов, иш юритувчи Санъат Саидов, йўл устаси Умурбек Отаев; яқинда фойдаланишга топширилган 2,5 километр узунликдаги «Урганч — Аэропорт» йўли.*



**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

Яқин орада Хоразм воҳасида бўлганмисиз? Вилоят ҳудудини худди қон томирларидай чулғаб олган юзлаб, минглаб километр автомобиль йўлларидан юрганмисиз? Тасмадай текис, кенг ва қулай бу йўлларни кўриб, йўлсозларнинг, шу йўлларни қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланаётганларнинг меҳнатига, ғайратига балли дейсиз. Чунки, бу йўлларнинг аксарият қисми Истиқлол йиллари бутунлай қайта қурилди ёки жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган тарзда таъмирдан чиқарилди. Улар бугун хоразмликлар ва бу ерга келган меҳмонларнинг узоғини яқин, мушкулини осон этишга хизмат қилаётир.

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

# ҲОКИМ ҲАЛ ҚИЛОЛМАГАН МУАММОНИ

## СИЗ ЕЧАРМИДИНГИЗ? — ДЕЙИШДИ МУХБИРГА ШЎРЧИ ТУМАНИНИНГ «ЭЛБАЁН» МАҲАЛЛАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИЛАР

Мамлакатимизда инсон манфаатини ўйлаб, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бекиёс ишлар амалга оширилмоқда. Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Аммо, кишини ўйлантирадиган «ажаб савдолар» ҳам борки...

Туманнинг «Элбаён» маҳалласида истиқомат қилувчи 18 та хонадон аҳли тўрт йилдан буён табиий офатлардан азият чекиб келмоқда. Баҳор, ёзни ортда қолдириб куз, қолаверса яна қиш фасли келяпти-ю, уларнинг яшаш шароитлари кун сайин мураккаблашаяпти.

— Уйларимиз шундоқ «Элбаён» канали ёқасида жойлашган — дейди Зокир Холмуродов. — 2002 йилнинг эрта баҳорида келган сел ҳамма томонни «ювиб» кетди. Кўрпа-тўшак, идиш-товоқлар лойга ботди. Уй, ошхона, молхона, ертўлалар лойқага тўлди. Ҳафта, ўн кунча лой тозаладик. ...Тўғри, ундан олдин 7 майда туман прокуратураси томонидан **...ёғингарчилик, дўл ва сел тошқинлари босиб кетиши, улардан зарар кўриш эҳтимоли мавжудлиги, 6 майдан 18 майгача бўладиган ёғингарчилик бундай хавфни туғдириш эҳтимоли ҳисобга олиниб, оила аъзоларимиз, керакли уй анжомлари, чорва моллари, лозим топилса уй-жойимизни бузиб, кўчиб кетиш ёки қариндош-уруғларникига вақтинча кўчиб ўтиш ҳақида огоҳлантирилган эдик.** Ўз уйим, ўлан тўшагим, дейдилар. Тўрт-беш фарзанд билан қаерга ҳам борардик? Ким бизни қучоқ очиб кутиб турибди? Хуллас, шу йўсинда йиллар ўта бошлади. Баҳор ва қиш фаслида айниқса, юрагимизга ғулғула тушади. Баъзан тунларни бедор ўтказамиз... Осмонга булут чиқса, ваҳима босади. Ана сел келди, мана сел келди, билан тонг отади...

— 2003 йилнинг қиши эди, — деб хотирлайди Холмамат Жўрақулов. — Дастлаб 7 декабрь тунда, сўнгра 2004 йилнинг 10 январь кеч соат 23-24 ларда катта сел келди. Кун совуқ... Йиғлаган-сиқтаган ким, сел кечиб қочган ким. Хонавайрон бўлдик. Мутасаддилар ҳолимизни ўз кўзлари билан кўришди. 16 февралда эса Сурхондарё вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи М.Зулфиқоровнинг 263-сонли хатини олдик: **2004 йил 14 январь куни вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли ҳудудларини муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, подполковник З.Бобоқулов ва вилоят Гидрометеорология бошқармаси бошлиғи У.Ботировлар томонидан Шўрчи тумани «Элбаён» маҳалласида яшовчи аҳоли уйларини шу йил 10 январь куни катта сел келиши оқибатида 18 та хўжаликнинг томорқаси, ошхона, молхона ва уйларига зарар етказилганлиги ўрганиб чиқилиб, ҳақиқатан ҳам 18 та хўжалик сел хавфи зонасига тушганлиги сабабли 2004 йил доимий яшаш жойларига босқичма-босқич кўчириш учун Шўрчи туман ҳокимлигига 2004 йил 15 февраль куни 253-сонли ёзма кўрсатма берилди ҳамда туман прокуратурасига 18 та хўжаликни хавфсиз жойларга кўчиришни назоратга олиш учун 2004 йил 15 февраль куни 260-сонли чиқим хати юборилди.**

**Шўрчи туман прокуратураси «Элбаён» маҳалласининг 18 та хўжалигини 2004 йил давомида босқичма-босқич кўчиришни ўз назоратига олади...**

...Назоратга олиш нари турсин, туман ҳокимлиги ва прокуратураси мутасаддилари 18 хонадон — 110 жонни унутганга ўхшайди.

— 1990 йилларда икки қаватли уй қурувдим — дейди Норбой Тоғаев. — 19 га 20 метрли ертўласи йил ўн икки ой кўллаб туради. Ҳозир сувнинг баландлиги 25-30 сантиметрдан кам эмас. Кечалари ухлаёлмаймиз. «Қарс-қурс» этган овозлар эшитилади. Уй чўкаяпти. Пойдевори захлаб кетган. Ўтган йили қишни «холодильник»да ўтказдик, ҳисоб. Ўтин тугул, кўмир ёқсангиз ҳам бир пул. Уй исимайди. Қўланса, зах ҳиди жонга тегди...

— Туман ҳокимлиги ҳал қилолмаган муаммоимизни сиз ечиб берармидингиз, ука, — дейди Жўра Сатторов аччиқланиб. — Озмунча югурдикми? Бари бефойда... «Мана сизга исботи», дея Жўра ака «папка» қўлтиқлаб келди. Ҳужжатларга кўз югуртирамиз. **...2003 йил 7 декабрда ва 2004 йил 10 январда бўлиб ўтган кучли ёмғир натижасида «Элбаён» сойидан сел келиб, ...пастликда яшовчи аҳолининг ҳовлилари ва яшаб турган уйларига кириб борган. Тезлик билан кўрилган чоралар натижасида каналдан сув сатҳи пасайтирилди ва аҳоли ҳеч қандай зиён кўрмади. Сувнинг тошқин сабаблари туман ҳокимлиги томонидан махсус комиссия тузилиб, ўрганиб чиқилди ва пастликда яшовчи аҳоли томонидан канал устига ўзбошимчалик билан ўрнатилган кўприклар олиб ташланиб, каналда қазиш ишлари олиб борилди. ...Сел оқибатида зиён кўриш эҳтимоли бор аҳолига тумандаги Жўра Хўжамиёров номли ширкат хўжалигининг «Қора ариқ» массивидан томорқа бериш режалаштирилди.**

**Туман ҳокими Ў.Бобоқулов.**

— Энди ўзингиз ўйланг, — дейди ҳамсуҳбатим, — сел ҳовлига, яшаб турган уйга кирадию, зиён етмайдими? Тўғри, ўлим бўлмади. Эсон-омон қолдик. Лекин бундай яшаш ҳиқилдоққа келди-да...

...Ваъда вафоси, қонун ижроси билан яхши. Яна хатларни ўқиймиз: **Туман ҳокими Ўрол Бобоқуловнинг 2004 йил 30 июлдаги 1217-сонли хатида «Элбаён» канали ёқасида жойлашган 18 та хўжалик аҳолисига тумандаги Жўра Хўжамиёров номли ширкат хўжалигининг «Қуймозор» қишлоғидан жой ажратиш режалаштирилгани айтилса, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Жўра Намировнинг (собиқ) 2005 йил 7 апрелдаги Т-558-жавобида: ...Ушбу — 18 та хўжаликни доимий яшаш жойи билан таъминлаш мақсадида «Қора ариқ» адирлик ер массивидан жой танланиб, ҳозирги кунда режалаштирилган ишлар олиб борилаётганию, ниҳоясига етказилгандан сўнг фуқароларни тўлиқ кўчириш ишлари амалга оширилиши таъкидланган....**

Қизиқ, одамлар тақдирига нега бунчалик лоқайд қаралмоқда? «Режалаштирилди», «текширилди», «ўрганилди» қабилидаги гаплар қачонгача давом этади? Жорий йилнинг 20 майида Жўра Намиров ғалла ўрим-йиғими якунлангандан сўнг 18 та хўжаликни Жўра Хўжамиёров номли ширкат хўжалигининг «Қора адир» массивига кўчириш ҳақида «нома» йўллади. Одамлар яна умид, ишонч билан кутди. Зора, бу гал... Ғалла ўрим-йиғими нари турсин, жорий йилги пахта мавсуми ҳам якунланди. Афсус, қуюқ ваъдалар сувга тушган тошдек изсиз йўқолди...

...Элбаёнликларнинг бугунги турмуш манзаралари: томорқалар ажриқзорга айланган. Ертўлаларда сизот суви. Ошхона, сомонхоналар нураб тушаяпти. Одамлар тушкун кайфиятда...

Ҳадемай, қишли-қировли кунлар бошланади. Шўрчи туманининг «Элбаён» маҳалласида истиқомат қилувчи 18 та хонадон аҳлининг аҳволи не кечади? Улар бола-чақаси билан қишни қандай ўтказади? Буни ҳис қилиш учун мутасадди раҳбарлар ўша зах босган уйларда бир кун бўлса-да, яшаб кўришлари керакка ўхшайди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# ЕЛКАДОШ БЎЛСАК АГАР...

Ўзбекистон раҳбарининг ташрифидан ҳамда имзоланган ҳужжатдан мамнун бўлган Россия президенти шундай деди: «Бундай даражадаги ташрифлар ҳамиша яхши натижа беради. Мустақил давлатлар учун иттифоқчилик — бу муносабатларнинг энг ишончли даражасидир. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни энг яқин даражага ва бутунлай янги сифатга олиб чиқади. Россия билан Ўзбекистон ўзининг бутун куч ва ресурсларини, улкан инсонпарварлик имкониятларини минтақанинг тараққиёти ва барқарорлиги йўлида бирлаштирадилар».

Ўз навбатида Ўзбекистон раҳбари ҳам шундай тарихий ҳужжат имзоланганидан мамнуният изҳор этар экан, Россия биз учун ишончли таянч ва иттифоқчи бўлиб келганлиги, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажаги ҳақида гапирди. Россия ҳеч қачон бундай шартномага имзо чекканлигига афсусланмайди.

Аввало, Россиянинг ўзида бу шартномага қизиқиш катта. Россия минтақада таъсир кучига эга бўлади. Бу ердаги демократик жараёнларда қатнашади. Шунингдек, унинг бу ердаги ўрни ҳамда иштироки хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Кузатувчиларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Россия билан яқин муносабатда бўлишга интилиши ўз-ўзидан юзага келган ҳолат эмас. Аввало, бунга Россия томони ҳам хай-

— — — — — — — —

(Давоми. Боши 1-бетда)

рихоҳ бўлганлигини унутмаслик керак. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, сиёсий қарорсиз Россиянинг Ўзбекистон иқтисодидаги лойиҳаларини амалга ошириш қийин. Шунинг учун ҳам стратегик ҳамкорликнинг бугунги даражаси икки мамлакат иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга кучли қувват беради.

Елкадошлик нафақат иқтисодий алоқаларда, балки сиёсий ҳамда халқаро масалаларда ҳам зарур. Халқнинг орасида «аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган гап бор. Халқаро ҳаётда эса бунинг тескариси. Нафақат иқтисод, балки бошқа барча соҳалардаги масалалар ҳам сиёсат орқали ҳал қилинади. Ер юзидаги ҳакамлик вазифасини бажарадиган барча халқаро ташкилотлар давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларга қараб қарор қабул қиладилар. Бунда йўл-йўриқни ўзларини «ҳақиқат» ва демократия даҳолари деб ҳисоблайдиган катта ва кучли давлатлар беради. Уларнинг айтгани — айтган, дегани — деган. Ўнлаб, юзлаб давлатларнинг овозлари ана шу йўл-йўриқнинг соясида қолиб кетаверади. Уларнинг наздида бу демократия. Яъни, зўрнинг гапи — гап деганлари — демократия. Бу — гапирса ҳам бойнинг ўғли гапирсин дегандай гап. Европа Иттифоқи Ўзбекистонга нисбатан санкцияни шу йўсинда қабул қилди. Вашингтондан Брюсселга қўнғироқ қилиниши биланоқ қарор қабул қилинди. Ҳатто Европа Иттифоқига аъзо давлатлар вакиллари ўз ҳукуматлари билан маслаҳатлашиб олишларига ҳам ҳожат қолмади.

Шундай пайтда камситилган давлатга елкадош иттифоқчи керакми, керак?!

Четдан тажовуз бўлмаслигига ҳеч ким, ҳеч бир давлат кафолатланмаган. Тажовузни ният қилганлар учун баҳона кўп. Бирорта зўравоннинг арпаси хом ўрилса ёки олдидан кесиб ўтилса, тамом-вассалом. Яна бир қўнғироқ билан «холис» ҳакамлар тажовузга йўл берадилар. Умуман, ҳакамнинг розилиги ҳам шарт эмас. Масалан, Ироқда катта ҳакам рухсат бермаса ҳам тажовуз юз берди-ку! Демак, тажовуз хавфи бўлгани учун ҳам иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага бундай ҳолат алоҳида банд қилиб киритилган. Яъни, иттифоқчилик муносабатлари ўрнатган давлатлардан бирига битта давлат ёки бир гуруҳ давлатлар томонидан тажовуз қилинган тақдирда бу ҳар иккала давлатга қилинган тажовуз деб тушунилади. Ана шундай пайтда елкадошлик жуда ҳам зарур.

Агар биз елкадош бўлсак, бошқа масалаларда ҳам бизни турткилашга ёки яккалашга журъат этишолмайди. Агар биз елкадош бўлсак, бизга нисбатан телба-тескари ва бир томонлама қарорлар қабул қилинишининг олди олинади. Агар биз елкадош бўлсак, бизга нисбатан турли туҳмат ва иғво уюштирадиганлар шашти қайтиб, жаҳон ҳамжамияти олдида мулзам бўлиб қоладилар. Агар биз елкадош бўлсак, сўзимизни ва овозимизни тинглашга мажбур бўладилар.

Бугунги замонда ҳар давлатнинг елкадоши — ўз иттифоқчиси бўлсин.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

### ✓ ЯПОНИЯ

Ҳукмрон партия вакиллари — либерал-демократлар мамлакат Конституциясига расмий ўзгартишлар киритиш таклифи билан чиқдилар. Бу ҳақда партиянинг 50 йиллигига бағишланган тантанали маросимда унинг етакчиси, мамлакат бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми маълум қилди, дейилади BBC News ахборотида.



«Эски Конституцияда баён этилган «Япония куч ишлатиш ва кучларнинг таҳдид қилиши халқаро можароларни ҳал этишнинг бир усули деб қарашни, урушни инкор этади» деган жумлалар шу йил октябрь ойида кенг жамоатчиликка ҳавола этилган мамлакат асосий қонунининг янги лойиҳасида ҳам сақлаб қолинди. Лекин таклиф этилаётган ўзгартиш мамлакатда армиянинг ҳар томонлама тўлиқ шаклланишини назарда тутади. Шу пайтгача Японияда таркиби 240 мингдан ошмаган «ўзини мудофаа қилиш» тизими фаолият кўрсатиб келди. Кўзда тутилаётган ўзгартишга кўра эса, янги армия нафақат Япония оролларини мудофаа қилади, балки хорижий давлатларда ҳам тинчлик миссияларида иштирок этади.

Амалдаги Конституция қоидаларига кўра, асосий қонунга тузатиш ва ўзгартишлар мамлакат парламентининг қуйи ва юқори палатаси депутатларининг учдан икки қисми овоз берсагина қабул қилинади. Ундан сўнг эса умумхалқ референдумида аҳолининг кўпчилиги уни қўллаб-қувватлаб овоз бериши лозим.

### ✓ КОСОВО

Мамлакат парламенти Косово Конституциясини ишлаб чиқиш бўйича махсус қўмита тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Конституция лойиҳасини тайёрлаш таклифини мамлакатдаги «Косово келажаги учун альянси» илгари сурди.

### ✓ КЕНИЯ

Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси, Африка шарқида жойлашган Кенияда сайловчиларнинг кўпчилиги (58 фоизи) президент Мваи Кибакининг таклифига кўра тайёрланган янги Конституция лойиҳасини рад этди.

Лойиҳанинг инкор этилиши халқнинг ҳукуматга ва президентга ишончсизлиги билан характерланади, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги хабарида.

Дарвоқе, президент ҳукуматни тўлиқ таркибда истеъфога чиқарди. Икки ҳафта ичида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби эълон қилинади.




### ✓ САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 12 йиллик музокаралардан сўнг Саудия Арабистонининг аъзолик тўғрисидаги аризасини маъқуллади. 30 кундан сўнг дунёдаги йирик нефть экспортчиси ва ОПЕКнинг етакчи аъзоси саналмиш Саудия Арабистони ЖСТнинг 149-аъзоси бўлади, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида. Бунинг учун подшоҳлик ЖСТнинг қонунчилик базасини тўлиқ қабул қилиши ва амалдаги айрим ёпиқ иқтисодий тармоқларни эркинлаштириши керак бўлади. Бундан ташқари миллий иқтисодиётни чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсатдан воз кечиши ва кўпгина мамлакатларга, шу жумладан, бойкот эълон қилинган Исроилга ҳам ўз бозорларини очиши керак бўлади. Унинг йирик савдо ҳамкори АҚШ ҳисобланади.

Музокараларда мамлакатга алкоголь ва чўчқа гўшти маҳсулотлари импортини чеклаш ҳақидаги аввалги шартларни бекор қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ подшоҳлик ҳукумати ЖСТ қоидаларидаги аҳлоқий меъёрлар асосида чеклаш мумкинлиги тўғрисидаги шартдан фойдаланиши мумкин.

ЖСТнинг Саудия Арабистони бўйича ишчи гуруҳи якуний мажлисда подшоҳлик ЖСТга аъзо бўлиш йўлидаги барча шартларни бажарганлигини айтиб ўтди. ЖСТнинг бош директори Паскаль Лами ишчи гуруҳнинг хулосаларини маъқуллади.

Шундай қилиб, Саудия Арабистони ЖСТ котибиятидан ратификация ҳужжатини олгандан сўнг тўлиқ аъзо бўлиши мумкин.

Экспертлар фикрига кўра, бу масала декабрь ўрталаригача кўриб чиқилади. Шундан сўнг Ар-Риёд ЖСТнинг Сянганда бўлиб ўтадиган конференциясида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қатнаша олади.

**Интернет хабарлари асосида**
**Феруза АДАМБОЕВА тайёрлади.**

### ✓ ИТАЛИЯ

«Nestle» компанияси ишлаб чиқарган 30 миллион тонна болалар сути Италиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакиллари томонидан Апеннин ҳудудида хатланди. Бу иш Асколи шаҳар прокурори Франко Пончителли кўрсатмасига биноан амалга оширилди, дейилади «АНСА» ахборот агентлиги хабарида.

Яроқлилик муддати 2006 йил сентябргача деб кўрсатилган ва қутидаги сут таркибида зарарли кимёвий модда — босмахона бўёғи борлиги аниқланган. Шунинг учун «Nestle» қутисидаги бу сутларнинг қолган-қутганлари ҳам савдодан йиғиштириб олинади.

Дарвоқе, яроқлилик муддати 2006 йил октябргача деб кўрсатилган қутилар сути ҳам текшириб кўрилди, уларнинг зарарсизлиги аниқланди.

### ✓ ШРИ-ЛАНКА

20 минг аҳоли кучли жала натижасида юзага келган сув тошқинларидан жон сақлаш учун ўз уйларини ташлаб хавфсиз жойларга кўчди. Сув тошқинларидан айниқса, мамлакатнинг шимолий ва шарқий музофотлари кўп талафот кўрди. Бу ерларда ўн минглаб одамлар уйларини ташлаб, капаю кулбаларда яшашмоқда.

Қалтис вазият юзага келгани боис яқинда сайланган мамлакат президенти Махинда Ражапакс тузган янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг қасамёд қабул қилиш маросими бошқа кунга қолдирилди, дейилади «Reuters» ахборотида.

### ✓ УКРАИНА



Ҳукумат мамлакатга Россия ҳудудидан товуқ гўшти (тайёр маҳсулот ёки хомашё тарзида бўлишидан қатъи назар) олиб киришни тақиқлади. Луганск чегара отряди берган манбаларга асосланиб, «ПРАЙМ-ТАСС» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Сабаб: «парранда гриппи»дан сақланиш.

Эндиликда Россия, Руминия, Туркия, Франция ва Қозоғистоннинг парранда маҳсулотлари Украина чегарасидан ўтказилмайди.

Бундай тақиқлов аввал ҳам (шу йил 2 августдан 11 августгача) амалга жорий этилган.

**Инсон хотираси — азиз**

# ЧИРОҚ КЎТАРГАН ОДАМ

Олтмишинчи йиллар... Талаба эдик. Мустабид сиёсат ҳали қиличини қўлдан қўймаган дамлар. Озод Шарафиддинов дарслари ҳамиша гавжум бўлар, бошқа факультетлардан, ҳатто институтлардан ҳам талабалар келиб, домланинг сабоқларини завқ ва ҳаяжон билан тинглар эдилар. Озод ака лекцияга бирон «конспект» кўтариб кирмас, аслида унинг сабоқларини «лекция» деб аташ унчалик тўғри ҳам бўлмасди. Домла истаган мавзуда шавқ ва шиддат билан гапирар, фикрлари қуйилиб келаётганидан, ҳатто қай бирини аввал ифодалашга шошилиб қолаётганга ўхшар, бироқ ҳамма мулоҳазаларида чуқур мантиқ, теран билим сезилиб турарди.



Ўша кезлардаги айрим ҳолатларни эсласангиз, шўро сиёсатида рост билан ёлғон нақадар усталик билан қориштириб юборилганига гувоҳ бўласиз. Сталин шахсига сиғиниш қораланиб, бир қадар адолат, ҳақиқат шабадалари эса бошлагач, Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари қатағон қилинган ижодкорлар оқланди. Фақат бир шарт билан: Чўлпон, Фитрат кабилар шахс сифатида бегуноҳ деб топилди-ю, аммо ижоди «қоралигича» қолаверди.

Ажаб! Ҳақиқий ижодкор қалби буюрганини ёзади. Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирга ўхшаган шоирлар ҳам қалби буюрганини ёзган.

Улар шахс сифатида оқланди. «Ўзи оқ» бўлса нега ижоди «қора» бўлиши керак? Қани мантиқ? Бундан чиқадиган хулоса шуки, мустабид тузумнинг талаби битта бўлган: «ўзинг хоҳлаганни эмас, партия буюрганини ёзасан. Ростми, ёлғонми, буниси билан ишинг бўлмасин!»

Университет домлаларининг айримлари гарчанд Чўлпонлар яхши одам бўлса-да, асарларида «миллатчилик», «халқ душманига хос» унсурлар борлигини оддий ҳақиқат каби жўнгина қилиб сабоқ беришар, «хўп, домлажон, қани ўша миллатчи, халқ душманининг китобини бир ўқиб кўрсак бўладими?» деган саволга жавоб йўқ эди... Худди шу паллада Озод Шарафиддинов талабаларга шавқ билан, ички ўкинч билан ёддан ўқир эди:

***«Кулган бошқалардир, йиғлаган менман.***
***Ўйнаган бошқалар, инграган менман.***
***Эрк эртакларини эшитган бошқа***
***Қуллик қўшиғини тинглаган менман...»***

Булар — Чўлпон сатрлари эди! Домла шоирнинг ўнлаб шеърларини ёдаки ўқиб, бирдан маъюс тортиб қолар, сўнг қўшиб қўяр эди: «Чўлпон — буюк шоир! Ҳали кўрасизлар, бу шўрпешана шоирга ҳайкаллар қўйилади!»

Эҳтимол, орадан ўттиз йиллар ўтиб нашр этилган, Озод Шарафиддиновнинг энг гўзал, энг чуқур тадқиқот китобларидан бири — «Чўлпонни англаш» олим қалбида ўша кезлардаёқ пишиб етилгандир...

Халқнинг чинакам содиқ фарзандлари бўлгани учун ҳам «халқ душмани» деган тамға ёпиштирилган талай ўзбек адиблари, шоир ва олимлари қатори Чўлпоннинг чирқираган руҳи ҳам Истиқлол шарофати билан шод этилди.

Озод Шарафиддинов ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатни айтиш ва ёзишдан чекинмади. Балки, Абдулла Қаҳҳор уни ўзининг энг суюкли шогирдларидан бири санагани, Озод ака ҳам устозига бир умр содиқ қолгани шундан бўлса керак. Ҳолбуки, ҳақиқат ҳар доим ҳам ширин бўлавермайди, аччиқ ҳақиқат эса ҳаммагаям ёқавермайди... Аммо «ёқимли эмас» деб ҳақиқатни айтмаслик, ёзмаслик ёлғон тантанасига ҳисса қўшиш билан тенг.

Агар биз Озод Шарафиддиновнинг талабаларга устозлигини айтсак, домланинг фақат битта қиррасини гапирган бўламиз. Сабаби, Озод аканинг ижодкор аҳлига устозлиги ҳам бор эди. Буниси энди, талабаларга сабоқ беришдан кўра мураккаброқ.

Ўтган аср ўрталарида адабиётга кириб келган, биринчи машқлари билан ярқ этиб кўринган истеъдодларни Абдулла Қаҳҳор қанчалик тез пайқаган, керак пайтда ҳимоя қилган бўлса, ундан кейинги авлод вакиллари ҳам Озод акага шундай суяниб қолдилар. Чунки Озод Шарафиддинов ҳақиқий истеъдодни ноистеъдоддан дарров фарқлар, келажаги порлоқ ёшларга йўл кўрсатиб беришга ҳамиша тайёр эди. Бошқа тенгқурларим қатори мен ҳам устоз Абдулла Қаҳҳор баҳосини қанчалик қадрласам, Озод аканинг фикрларини ҳам шунчалик муштоқлик билан кутардим.

Бир одатим бор. Асар қоғозга тушса, ўзимнинг кўнглим тўлса, қўлёзмани оила аъзоларимга — умр йўлдошим, ўғлим, қизимга ўқитиб кўраман. Биринчи «имтиҳондан» ўтгач, Саид Аҳмад ака, Умарали Норматов, Абдуғафур Расуловларга кўрсатаман. Улар борини — бор, йўғини — йўқ дейишади. Айниқса, Озод домланинг фикри мен учун ҳамиша азиз эди. Домла бирон қўлёзмамни кўкларга кўтариб мақтаган эмас. Маъқул келган бўлса, «ничево, дуруст» деб қўяқолар, ўринли, жўяли маслаҳатлар берар, аммо асар эълон қилинганидан кейин матбуотда жозибали тақризлар билан чиқиш қилиб, ўша асар ҳақида ёзишни унутмас эди.

...Агар биз Озод Шарафиддиновни фақат домла, фақат ёш ижодкорлар устози эди десак, унинг тағин бир қиррасини унутган бўламиз. Озод ака ўта сезгир, теран тадқиқотчи олим, холис ва виждонли мунаққид эди. Унинг бир гапини танқидчилар шиор қилиб олсалар арзийди: «Мунаққид ижод боғига болта эмас, токқайчи кўтариб кириши керак!» Бу гапни олим бежиз айтмаган. Бир замонлар «танқидчи» деганда асарни «уриб берувчи» тушунилар, талай танқидчилар адабиёт боғининг энг сара, энг серҳосил дарахтларини «каллаклаган» эдилар. Онги мустақиллик йилларида шаклланган авлод Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Отажон Ҳошимларнинг қатл этилишига бевосита бўлмаса-да, билвосита ҳисса қўшган, «прокурор» вазифасини ўтаган танқидчилар энг зўр асарлардан «миллатчилик» унсурларини «ҳидлаб» топганини билмайди.

Озод Шарафиддинов саёз, бўш асарларнинг маънавиятга фойдаси йўқлигини ҳам, яхши асардан завқланиш ва унинг фазилатларини кўрсатиш масъулиятини ҳам теран ҳис этувчи мунаққид эди.

Домла юзлаб мақолаларида, Абдулла Қаҳҳор, Чўлпон ҳақидаги теран тадқиқотларида, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор сингари устозлар, бугунги кунда эл эътиборини қозонган шоир ва адиблар тўғрисидаги ижодий портретларида ҳамиша шу тамойилга содиқ қолди.

Олимнинг «Биринчи мўъжиза», «Талант — халқ мулки», «Замон, қалб, поэзия», «Ижодни англаш бахти» каби ўнлаб китоблари, бир-биридан яхши таржималари фақат адабиёт аҳлининг эмас, умуман маънавиятни қадрлайдиган юз минглаб китобхонларнинг мулки бўлиб қолди. Албатта, бу асарларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. Мен бу ўринда қаламкаш, домланинг бир шогирди сифатида устознинг баъзи инсоний жиҳатлари ҳақида гапиришни истар эдим.

Озод ака сафарни севар, деярли ҳар йили бирон саёҳат режасини тузиб, ҳамкасблари, шогирдларини чорлар, барча ташкилий ишларга ўзи бош-қош бўлар эди. Озод ака, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов (охирати обод бўлсин), Четсув қишлоғидаги домланинг қадрдони Манноп ака, Шамат акалар билан баланд тоғ тепасидаги Арашонбува зиёратгоҳ булоғига борганимиз, қор қоплаган тоғ чўққиларини сутдек майин нурга тўлдириб, сокин ва сирли манзара кашф этган тўлин ойга соатларча термулиб ўтирганимиз, яна бир гал домла бошчилигида бир гуруҳ олим ва адиблар Ўш шаҳридан Тоғли Бадахшонга — Хоруғ шаҳригача бўлган 728 чақирим йўлни юк машинасида босиб ўтганимиз, денгиз сатҳидан қарийб беш минг метр юқорида, булутлар устидаги Оқбайтал довонида Абдуғафур ака билан мени «тутак» тутиб, (ҳаво сийраклиги сабабли кислород етишмаслиги) мазамиз қочиб қолгани, Маркансу деган қуюнлар водийсидан ўтаётганда шиддатли бўрон кўтарилиб, машина ойнасига катта-кичик тошлар қарсиллаб урилиб, сесcантиргани, Амударёнинг бошланишидаги Ғунт дарёси бўйида аждардек вошиллаётган тўлқинларга қулоқ солиб тонг оттирганларимиз унутилмас хотиралар бўлиб қолди.

Устоз билан Ўзбекистоннинг ўнлаб шаҳар ва туманларида бўлганимиз, ҳатто энг чекка туманнинг энг овлоқ қишлоғида ҳам камида беш-ўн нафар шогирд «Ассалому алайкум, устоз!» деб рўпарасидан чиққанини кўп кўрганман. Улар орасида аллақачон неварасини уйлантирганлар ҳам, ҳали уйланишга улгурмаган йигитчалар ҳам бўларди. Озод домла ўнларча шогирдларнинг илмий ишига раҳбарлик қилди. Не-не фан арбоблари, профессорлар, доцентлар шу инсон кўмагида олим бўлди. Илмий ишига Озод Шарафиддинов раҳбарлик қилган шогирдларнинг ҳаммаси оддий, ўз меҳнати билан кун кўрувчи оила фарзандлари... Чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, бу ҳақиқат тагида янада теранроқ бошқа ҳақиқат ҳам борлигини тушунасиз.

Озод Шарафиддиновни минглаб оддий одамлар ўзининг қадрдони санар эди. Сабаби домлада улкан олим, машҳур мунаққид, меҳрибон устозликдан ташқари яна бир фазилат бор эди — Озод ака дилкаш, суҳбати ширин, ҳазил-мутойибани «қийиб» қўядиган инсон эди. Шунинг учун қаерга бормасин, дарҳол атрофини одамлар ўраб олар, «катта домла билан ақалли икки оғиз суҳбатлашишни» ҳавас қилувчилар ёпирилиб келарди.

Домла шахматга уста эди. Эркин Воҳидов, Раҳматилла Иноғомов (охирати обод бўлсин), Худойберди Тўхтабоев, Иброҳим Ғафуров каби маҳоратли шахматчилар орасида домла алоҳида ажралиб турарди.

Шахматчиларнинг ёзилмаган қоидаси бор: ҳеч қачон «ютқаздим» демайди. Нари борса, «ютқазиб бердим» деб қўя қолади. Озод ака шахматни чиндан ҳам зўр ўйнарди. Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Рапқонда дам олаётганимизда ҳам ҳар куни шахмат «жанглари» бўлиб турар, бу «кураш»да домла ҳаммани писта пўчоғидек «чақиб ташларди». Бир куни ғалати бўлди. Ўзи ҳам, бўйи ҳам пачоққина бир йигит бало экан! Домла билан тенгма-тенг олиша бошлади. Худди шу куни бешариқлик укаларимиз фарғоналиклар удумига кўра, «бир чўқимгина» ош қиладиган бўлишди. Дастурхон ёзилган, ош дамланган. Озод ака нариги сўрида шахматдан бош кўтармай ўтирибди.

Аввал мен «элчи» бўлдим. Домлага мезбонлар кутиб қолганини, бир нафас суҳбатлашмоқчи эканини айтдим. Домла «хўп» деди-ю, ўйинни давом эттираверди. Орадан анча фурсат ўтди. Шарофат келинойи келдилар. «Домла, йигитлар ош сузмоқчи», дедилар.

4-бет

**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**2005 йилнинг 27, 30 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади**

*Савдоларга Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 49-уйда жойлашган «7-автокорхона» ОАЖнинг 1997 й. и/ч, д/р 10 AT 709 бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.*

***Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.***

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

*Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.*

***Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.***

**Гувоҳнома № 000815**

*«POYTAXT AUKSION» ДУК 2005 йилнинг 28 октябрь ва 1, 8, 11, 15, 18, 22 ноябрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади*

**Автотранспорт воситалари:**

*— Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг д/р 10AW 483 бўлган «Доган» русумли а/в 1 480 000 сўмга; д/р 10AW 485 бўлган «Доган» русумли а/в 1 600 000 сўмга, д/р 10 AW 487 бўлган «Доган» русумли а/в 1 500 000 сўмга;*

*— Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг д/р 10 AN 249 бўлган «Эсперо» русумли а/в 3 100 000 сўмга;*

*— Ҳамза тумани давлат солиқ инспекциясининг д/р 10 AZ 264 бўлган «РАФ-2203» русумли а/в 1 730 000 сўмга;*

*— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасининг д/р 10 AK 079 бўлган ИЖ-271501 «Москвич» русумли а/в 480 000 сўмга;*

*— «Toshdaewooavtoservis» ДУКнинг д/р 10 AB 646 бўлган «Нексия» русумли а/в 1 530 000 сўмга;*

*— Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг д/р 03-29 ТНГ бўлган «ВАЗ-2121» русумли а/в 640 000 сўмга;*

*— Олий ҳарбий божхона институтининг д/р 10 AI 472 бўлган «Москвич Иж-21251» русумли а/в 475 000 сўмга;*

*— «O`zbekyengilsanoat» ДАК Ишлар бошқармасининг д/р 10 AK 637 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в 1 250 000 сўмга;*

*— «Асака» ДАТ банки Автотранспорт филиалининг д/р 10 AX 362 бўлган «Дамас» русумли а/в 2 170 000 сўмга сотилди.*

***Ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:***

*— Собир Раҳимов тумани, Юнусов кўчасида, сатҳи 0,04 га. бўлган икки қаватли дўкон қуриш учун ер участкаси 4 400 000 сўмга;*

*— Миробод тумани, Янгизамон кўчасида, сатҳи 0,02 га. бўлган дўкон ҳамда офис қуриш учун ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 4 160 000 сўмга;*

*Мирзо Улуғбек тумани:*

*— Ҳ.Абдуллаев кўчасида, сатҳи 0,025 га. бўлган дўкон қуриш учун ер участкаси 5 730 000 сўмга;*

*— Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида, сатҳи 0,07 га. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қуриш учун 1-сон ер участкаси 6 300 000 сўмга;*

*— Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида, сатҳи 0,07 га. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қуриш учун 3-сон ер участкаси 7 280 000 сўмга;*

*— Шайхонтоҳур тумани, «Жарариқ» даҳасида жойлашган, сатҳи 0,0108 га. бўлган савдо растаси қуриш учун иккита ер участкаси 2 890 000 сўмдан;*

*— Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида, сатҳи 0,02 га. бўлган икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси 3 600 000 сўмга;*

*— М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчасида, сатҳи 0,04 га. бўлган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун 9-сонли ер участкасига эгалик ҳуқуқи 1 290 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.*

***Ҳамда «Тошкент оқшоми» газетасининг 2005 йил 17 октябрдаги 205-сонида берилган қуйидаги автотранспорт воситалари бўйича Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 319-ау-ПО сонли буйруғи билан савдолардан олинганлигини маълум қилади:***

*— «Тошинвестқурилишбутлаш» унитар корхонасининг д/р 10 AI 382 бўлган «КАВЗ-3270» русумли а/в; д/р 10 AI 385 бўлган «ГАЗ-53А» русумли а/в;*

*— ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг д/р 10 AH 339 бўлган «ГАЗ-24» русумли а/в;*

*— Тошкент вилояти ИИБ автохўжалигининг д/р 41-48 ТШП бўлган «ГАЗ-330700» русумли а/в;*

*— «Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи» ДУКнинг д/р 10 AJ 392 бўлган «Кубан Г/А/-02» русумли а/в.*

*— Тошкент давлат юридик институтининг д/р 10 AC 306 бўлган «ГАЗ-3307» русумли а/в; д/р 10 AN 785 бўлган «ГАЗ-330700» русумли а/в.*

